

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

ТОШКЕНТ 2017

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Тошкент темир йўл мухандислари
инститuti Илмий Кенгашининг 2017 йил
28 августдаги мажлиси қарори билан
тасдиқланган

ТОШКЕНТ 2017

1- бўлим. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Тошкент темир йўл мухандислари институти (бундан буён матнда институт деб юритилади)нинг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда **“Қоидалар”** деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг тегишли буйруқлари, институтнинг Устави ҳамда умумэтироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган.

“Қоидалар” ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси таълимига оид қонун ҳужжатларида фуқароларга таълим тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга ҳамда ҳар кимнинг билим олишидан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқариш ва жорий этишга қаратилганлиги сабабли институтнинг асосий функцияси таълим ва тарбия беришдан иборат эканлиги назарда тутилган.

1.2. “Қоидалар” институт Илмий кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Илмий кенгаш қарорига асосан амалга оширилади.

1.3. “Қоидалар” институт маъмурияти, профессор ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари (**жамоа аъзолари**)нинг институтга оид ўзаро муносабатларидаги одоб - ахлоқ тамойилларини, риоя этишлари шарт бўлган қоидаларни ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1.4. “Қоидалар” институт жамоа аъзоларининг барчаси учун мажбурийдир.

1.5. Талабаликка ва ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс **“Қоидалар”** билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб имзо қуйиши шарт.

1.6. Институт жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда талабаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларда **“Қоидалар”**даги кўрсатмаларнинг бажарилишидан манфаатдордир.

2-бўлим. Мақсад ва вазифалар

2.1. “Қоидалар”нинг мақсади институтда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, институтнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузини янада оширишдир.

2.2. “Қоидалар”нинг асосий вазифалари:

- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, эътиқодли, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан йўғрилган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, имони бутун ва виждонли мутахассисларни тайёрлаш;

-институт жамоа аъзоларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, бойитиш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;

-ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонлик, ҳаёсизлик ва шавқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-харакатларнинг олдини олиш, жумладан, ёшларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли халокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёд бўлган диний ва экстремистик

таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

3-бўлим. Жамоа аъзоларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар

3.1. Институтда ҳамжихатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш, меҳрли ҳамда аҳил-иноқлик жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

3.2. Институтда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим, жумладан жамоа аъзосининг сўз эркинлиги унга бировга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқини қафолатламайди, эътикод эркинлиги диний маросим либосларида институтга келиш ҳуқуқини қафолатламайди, кийиниш эркинлиги таълим масканида тарбия жараёнига салбий таъсир қилиш ҳуқуқини қафолатламайди ва ҳоказо.

3.3. Жамоа аъзолари кийиниш маданиятига қатъий риоя қилишлари шарт. Уларнинг институтга одамлар диққатини тортадиган кийимда ёки диний ибодат либосида, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар (турли тақинчоқлар) қадаган ҳолда, спорт кийим ва пойафзалида келиши тақиқланади. Жамоа аъзолари институт ҳудудида ораста бўлиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 2006 йил 11 январдаги 5Н-сонли буйруғига мувофиқ, мавсумга мос равишда темирйўлчи касб кийимида юришлари шарт. Профессор-ўқитувчилар – кафедраларда, аудиторияларда, ходимлар – ўз иш жойларида, талабалар – институт ҳудудида, аудиторияларда, ахборот ресурс маркази хоналарида темир йўлчилар учун белгиланган касб кийимида, фаслга монанд равишда, кийиниб юришлари шарт. Шунингдек, расмий йиғилиш ва учрашувларда институтнинг барча жамоа аъзолари касб кийимида бўлишлари шарт.

3.4. Жамоа аъзосининг шаъни ва қадр қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда халқимизнинг маънавий меросини авайлаб асраш мақсадида жамоа аъзолари бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланади ҳамда институтда ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

3.5. Институт жамоа аъзолари турли тадбирларда (мажлислар, тантанали йиғилишлар, амалий учрашувлар, байрамларда) сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, маиший тинчликка риоя этиши шарт. Зарурат тақозо этса, фақат бир нотик ўз сўзини тугатиб, бошқаси сўз бошлашига қадар юзага келадиган узилиш вақтида тадбирдан чиқиб кетиш мумкин.

3.6. Биноларга кириш жойларида тирбандлик юзага келса, талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларни, эркаклар эса аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

3.7. Бинога кираётган ҳар бир киши биноларга кириб чиқишни назорат қилиш учун тайинланган маъсул шахс ёки навбатчига талаб этилганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни очик ҳолда кўрсатиши шарт.

3.8. Жамоа аъзолари институт ҳудудида (институт ҳовлиси, йўлак ва ҳ.к.) йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари, бунда: талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бундан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

3.9. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки институтни ички муаммоларига таалуқли маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

3.10. Компьютерларда институтга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

3.11. Ўқув машғулотларига ва ишга ҳамда жамоа аъзоларининг осойишталигига ҳалақит берадиган хатти-ҳаракатлар (баланд овозда гаплашиш, радиоприемник, телевизор, мобил телефон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш тақиқланади

3.12. Институт жамоа аъзолари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари ва иш вақтида иш жойида бўлишлари шарт.

3.13. Институтда ҳар қандай хукукбузарлик содир этиш таъқиқланади, шу жумладан, ўғирлик, таъмагирлик, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиш, фуқоролик муомаласидан чиқарилган воситаларга оид муносабатларга киришиш (гиёҳванд моддалар, психотропик воситалар ва хоказо), ичкиликбозлик, кашандалик, маиший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш қатъиян ман этилади.

3.14. Институт ҳудудида мобил телефондан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

4-бўлим. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари

4.1. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари «Устоз-шогирд» миллий анъаналарига асосланиши лозим.

4.2. Профессор-ўқитувчилар аудиторияга кирганда барча талабалар ўрниларидан туриб саломлашишлари, сўнгра ўз жойларини эгаллашлари лозим.

4.3. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун тақиқланади.

4.4. Талаба ўзининг ножўя ҳаракатлари билан дарс машғулотларига ҳалақит берса, профессор-ўқитувчи юзага келган вазият ҳақида деканат раҳбарларини хабардор қилиб, улар рухсат берганда, бундай талабани машғулотлардан четлатиши мумкин.

4.5. Талабада профессор-ўқитувчи билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, унда талаба кўйидагиларни, яъни:

-профессор-ўқитувчининг талабалар билан дарс ёки маслаҳат жадвалига мувофиқ шуғулланиш вақтини;

-ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган профессор-ўқитувчининг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

4.6 Талаба олдиндан келишилмаган ҳолда профессор-ўқитувчининг хузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, профессор-ўқитувчидан хатто қисқа вақт суҳбатлашишни талаб ҳам қилишга ҳақли эмас.

4.7. Айрим ҳолларда талабалар гуруҳи профессор-ўқитувчини алмаштириш илтимоси билан мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун жиддий сабаблар (қўполлик, таъмагирлик, профессор-ўқитувчининг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар) кўрсатилиши ва у бўйича гуруҳнинг ягона фикри мавжуд бўлиши шарт.

4.8. Профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида рейтинг назоратини топширишга доир зиддият келиб чиққан ҳолларда, талаба рейтинг назоратини махсус комиссияга топшириш учун рухсат бериш илтимоси билан кафедра мудирига мурожаат этиши

мумкин. Бунда мурожаат асосланган бўлиш шарт. Бундай масалалар кафедра мудирининг тақдимномасига биноан факультет декани томонидан хал этилади.

5-бўлим. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари

5.1. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида - ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжихатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

5.2. Профессор-ўқитувчилар муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкни ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

6-бўлим. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари

6.1. Талабаларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжихатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

6.2. Талабалар муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкни ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

7-бўлим. Профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишда талабаларга ўрнак бўлиш;
- институт манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш;
- ўқув машғулотлари давомида касбий кийимда бўлиш ва талабалардан касбий кийимни қатъий талаб қилиш;
- бирор-бир нохуш воқеа ёки ходиса рўй берса, зудлик билан у ҳақида маъмуриятга хабар бериш;
- институт шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;
- институт тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- дарс жараёнида талабаларга одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилиш;
- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиехвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан огоҳ этиб бориш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;
- талабаларни ўзининг устозлик меҳри билан жалб қила олиш;
- ўзларининг хизмат хоналарини озода тутиш, хона деворларига миллий маънавиятимизга зид фотосуратларни осмаслик, хизмат хоналарида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини (сигарет, носвой) истеъмол қилмаслик.

8-бўлим. Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

а) институт ҳудудида:

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;

- ҳудудни ифлослантирмаслик ва чиқиндиларни фақат белгиланган жойларга ташлаш;
- ўзидан катталарга салом бериш;
- институтит ҳудудига темирўлчи касб-кийими талабларига мос мавсумий кийимларда, соч-соқол олинган ҳолда келиш;
- институт ва факультет раҳбарлари ёки профессор-ўқитувчиларга уларнинг исми-шарифларини айтган ҳолда мурожаат қилиш;
- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;
- институт мулки (кўчар ва кўчмас мулки, ўсимлик ва хайвонот дунёси ва ҳоказолар) га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- ўзаро суҳбат ва телефонда гаплашиш одобларига риоя қилиш;
- уяли алоқа воситасининг хотирасида миллий маънавиятимиз ва кадриятларимизга зид, “оммавий маданият”ни тарғиб этувчи (беҳаё, порнографик, зўравонлик ёхуд диний) мавзулардаги фото, видео ва аудио маълумотларни олиб юрмаслик;
- мутасаддиларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмаслик;
- маиший тинчликка риоя қилиш;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли мутасаддиларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.

б) аудиторияда:

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;
- овқатланмаслик, сақич чайнамаслик.

в) умумий овқатланиш жойларида:

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга хурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида овқатланиш маданиятига риоя этиш;
- умумий овқатланиш шаҳобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

г) ахборот ресурс марказида:

- АРМ ходимлари билан ҳушмуомала бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга ҳалақит бермаслик;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

д) умумий фойдаланиш хоналарида:

- тамаки маҳсулотларини (сигарета, носвой) истеъмол қилмаслик;
 - умумий фойдаланиш хоналарининг деворлари, пластик тўсиқларга ёзмаслик, шикаст етказмаслик;
 - қоғоз чиқиндиларни белгиланган идишларга ташлаш;
 - сув ресурсидан оқилона фойдаланиш;
 - умумий фойдаланиш хоналаридан фойдаланишнинг умумийинсоний қоидаларига риоя этиш;
- е) талабалар турар жойларида:**
- мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;
 - электр-энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;
 - санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;
 - талабалар турар жойи "Низоми" ва "Ички тартиб қоидалари"га қатъи риоя қилиш.

ж) спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойабзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

з) маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида:

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида ҳуштак чалмаслик, бақирмаслик, мобиль телефондан фойдаланмаслик, тадбир тугамасдан сабабсиз чиқиб кетмаслик;
- тадбир ташкилотчиларининг рухсатсиз тадбирни фото ёки видео тасвирга олмаслик;
- ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халакит бермаслик.

Шунингдек,

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан институт ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;
- доимо комилликка интилиш, халоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаш;
- институт манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолиш ва кўтаришга жонқуярлик қилиш ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиш;
- профессор-ўқитувчиларни ўзига устоз деб билиш.

9-бўлим. Профессор-ўқитувчи, ходим ва талабалар одоб-ахлоқида ман этиладиган ҳолатлар

9.1. Профессор-ўқитувчига:

- жамоа аъзоларининг шахсиятини ва кадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилиш;
- жамоа аъзолари ва бошқалар устидан турли ифво, ғийбат ва бўҳтонлар уюштириш;
- талабалар билан ўз ҳамкасабаларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;
- талабаларни асоссиз ўқув машғулотлардан чиқариб юбориш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси билан шуғулланиш;
- институт ҳудудида диний ташвиқот олиб бориш;
- институт ҳудудига спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, соч-соқол олинмаган ҳолда келиш;
- институт ҳудудида спиртли ичимлик ичиш ва белгиланмаган жойларда чекиш;
- институт ҳудудида темирўлчи касб кийимига қўйилган талабларни бузган ҳолда кийиниб юриш;
- институтда спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки маҳсулотларини чекиш кабилар қатъиян ман этилади.

9.2. Талабага:

- профессор-ўқитувчиларга кўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;
- профессор-ўқитувчи билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;
- ёлғон гапириш, ғирромлик ёки профессор-ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилиш;
- жамоа аъзоларига нисбатан хурматсизлик қилиш;
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-тамойилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;

- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;
- ўқув машғулотларига спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, соч-соқол олинмаган ва ахлоқ доирасидаги кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- машғулотлар вақтида профессор-ўқитувчининг рухсатисиз аудиториядан чиқиб кетиш;
- ўзаро муомала жараёнида сўқиниш, одоб-ахлоққа зид, ҳақоратли сўзларни ишлатиш;
- фанларни ўзлаштиришни таъминлашда ота-она ёки қариндошлик алоқаларидан фойдаланиш;
- гиёҳванд турдаги моддаларни истеъмол қилиш ва тарқатиш;
- тажовузкорликни турли кўринишларини намоён қилиш;
- профессор-ўқитувчиларни алдаш ва уларга ҳурматсизлик қилиш;
- бошқа талабанинг саъй-харакатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жихатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш қатъиян ман этилади.

10-бўлим. Маъмурият, профессор-ўқитувчлар ва ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар

10.1. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, ахиллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамоилларига асосланади.

10.2. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазйик ўтказишига ёки унга ҳаракат қилишига, шунингдек адолат тамоилларига ва институт манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

10.3. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ишчи тартибда ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, маъмуриятни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

10.4. Жамоада бирор бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш тартиби субординация тамойили асосида ташкил этилади.

10.5. Жамоа аъзоларининг институтда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

10.6. Маъмурият профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг касбий ва интеллектуал жихатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғидан, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, шунингдек, ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиникишлари учун барча шароитларни яратиб беради.

11-бўлим. Институт профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларининг кийиниш тартиби

11.1. Кийиниш инсон одоб-ахлоқининг таркибий қисмидир. Бинобарин, мазкур тартиб-қоидаининг мақсади - институтда профессор-ўқитувчилар, ходимлар (кабинет мудирлари, лаборантлар, котибалар, бўлим ходимлари) ҳамда талабалар учун белгиланган тартибда кийиниш меъёрларини белгилаш, институтдаги соғлом ижтимоий-психологик муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

11.2. Институтда “�збекистон темир йўллари” АЖ томонидан қабул қилинган “Формали кийим кийиш тартиби”га (9.02.2006 й. тасдиқланган) асосан темирйўлчи касб кийимини кийишга амал қилинади.

ТТЙМИ аёл профессор-ўқитувчилари, ходималари ва талаба қизларнинг кийиниш ҚОИДАЛАРИ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Формали кийим кийиш тартиби”га асосан, аёл профессор-ўқитувчилари, ходималари ва талаба қизлар:

- **1 апрелдан 1 июнгача** погонли кўк кўйлак (блузка) ва тўқ кўк шим (юбка);
- **1 июндан 1 сентябргача** енги калта погонли оқ кўйлак (блузка) ва тўқ кўк шим (юбка);
- **1 сентябрдан 1 октябргача** погонли кўк кўйлак (блузка) ва тўқ кўк шим (юбка);
- **1 октябрдан 1 апрелгача** тўқ кўк ёки оч кулранг костюм (юбка), тўқ кўк галстук, оқ ёки кўк енги узун кўйлак (блузка)да бўлишлари шарт.
- хотин-қизларнинг хизмат пойабзали сифатида шакли ва ранги касб кийими ва мавсумга мос, қулай, ортиқча безаклардан холи туфлилар танланади.
- аксессуарлар (сумка, кўзойнак) корпоратив услубга мос ҳолда танланиши мақсадга мувофиқ; сумка, галстук, кўзойнакларнинг шакли ва ранги устки кийимга, шунингдек, сумка-пойабзалга ҳам ярашимли бўлиб, кўзга ташланадиган шакл, ранг ва безаклардан холи бўлиши, заргарлик тақинчоқлари (зирақ, узук, мунчоқ ва бошқалар) кўзга яққол ташланмайдиган, нозик, нафис ва сипо шаклда дид билан тақилиши керак.
- сочлар ораста йиғилган, ўралган ёки турмакланган, ортиқча аксессуарлардан холи бўлиши керак.
- пардоз қилинганда кўз, қош, киприк, лаб ва тирноқ бўёқлари рангини танлашда табиийлик меъёрларидан ошмасликка, кўзга ташланмасликка амал қилиш зарур.
- жамиятда умум эътироф этилган гигиена, покизалик талабларига мунтазам равишда амал қилиш; эрталаб ва кечқурун душ қабул қилиш шарт. Атторлик (парфюмерия) маҳсулотларини керакли миқдор ва меъёрда ишлатиш лозим.

ТТЙМИ эркак профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва ўғил бола талабаларининг кийиниш ҚОИДАЛАРИ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Формали кийим кийиш тартиби” асосида эркак профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва ўғил бола талабалар:

- **1 апрелдан 1 июнгача** погонли кўк кўйлак ва тўқ кўк шим;
- **1 июндан 1 сентябргача** енги калта погонли оқ кўйлак, тўқ кўк шим;
- **1 сентябрдан 1 октябргача** погонли кўк кўйлак ва тўқ кўк шим;
- **1 октябрдан 1 апрелгача** тўқ кўк ёки оч кулранг костюм, тўқ кўк галстук, оқ ёки кўк енги узун кўйлакда бўлишлари шарт.
- талаба йигитлар талабага мос ручка, қалам, китоб, дафтарлар солиб юриш мумкин бўлган ранги устки кийимга ярашимли қора, кул ранг, жигар ранг сумка-портфеллар тутишлари лозим;
- пойабзаллар классик шаклда - мавсумга мос, олди ва орқа қисми ёпик, қора, жигар ранг ёки кул ранг, ўртача (3 см) пошналли бўлиши лозим;
- соч-соқол, тирноқларни тартибга келтирган ҳолда - ораста ва озода юриш зарур;
- жамиятда умум эътироф этилган гигиена, покизалик талабларига муттасил равишда амал қилиш, эрталаб ва кечқурун душ қабул қилиш, парфюмерия маҳсулотларини керакли миқдор ва меъёрда ишлатиш лозим.

ТТЙМИ хотин-қиз профессор-ўқитувчилари, ходима ва талаба қизлари учун қуйидагилар ман қилинади:

- узунлиги тиззадан калта бўлган, нозик, ҳарир шаффоф ва ялтироқ матолардан тикилган касб кийимини кийиш;

– бичими тор, баданга ёпишиб турадиган, кўкрак, қорин, елка қисми очик кўйлак ва шим кийиш;

– безак сифатида маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

– институт ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовка, шиппак, сабо, калишларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ҳамда дарсдан кейин ТТЖ биноти, спорт майдончалари ва ҳашарлардан ташқари);

– ҳижоб ва бошқа диний кийим-бошларда юриш;

– ўқув анжомларини рўзғор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет- халталарда олиб юриш;

– қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юриш.

ТТЙМИ эркак профессор-ўқитувчилари, ходим ва талаба йигитлари учун қуйидагилар ман қилинади:

– нозик, ҳарир, шаффоф ва ялтироқ матолардан тикилган кийим-кечаклар кийиш;

– бичими тор, баданга ёпишиб турадиган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расм ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимлар кийиш;

– институт ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовка, шиппак, сабо, калишларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ҳамда дарсдан кейин ТТЖ биноти, спорт майдончалари ва ҳашарлардан ташқари);

– ўқув анжомларини рўзғор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет- халталарда олиб юриш;

– соч-соқолларни ўстириб юриш;

– бўйин тақинчоқлари ёки турли металл буюмларини осиб юриш.

12-бўлим. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

12.1. Ўқув йили давомида институтда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топишига ва мустақамланишига хизмат қилган жамоа аъзолари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари тавсиясига биноан қуйидагича моддий ёки маънавий рағбатлантирилади:

- миннаддорчилик;

- пул мукофоти билан тақдирлаш;

- эсдалик совға билан мукофотлаш.

12.2. Жамоа аъзолари ушбу “Қоидалар”ни бузганида институт ички тартиб қоидаларининг “Меҳнат интизомини таъминлаш ва масъулият” бўлимида келтирилган ҳолатлар бўйича чоралар кўрилади.

Шунингдек, жамоа аъзосининг хулқ-атвори устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари институтдаги Бошланғич касабга уюшма кўмитаси, “Ёшлар иттифоқи” БТ, Хотин-қизлар ва “Ота-оналар” Кенгашларида ҳам муҳокама қилиниши ва уларнинг қарорига биноан жамоа аъзосининг хулқ-атвори тўғрисида у яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига маълумот тариқасида ёзма хабар юбориш амалиёти ҳам жорий этилиши мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидалари билан танишиб чиқдим, унга риоя қилишни ўз зиммамга оламан.

Институт бўлинимаси, академик гуруҳ номи/ Наименование подразделения института, академической группы

№	Ф.И.Ш./Ф.И.О	Имзо/Подпись
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		
11		
12		
13		
14		
15		
16		
17		
18		
19		
20		
21		
22		
23		
24		
25		
26		
27		
28		
29		
30		
31		
32		
33		
34		
35		
36		